



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TIBBIY-IJTIMOY XIZMATLARNI RIVOJLANTIRISH AGENTLIGI
BUYRUQ

2021 yil “ 10 ” май

6-11 -son

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда 3016-сон билан рўйхатга олинган “Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низоми ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш ва товарлар сотиб олишга) бўлган эҳтиёжини таъминлаш, давлат харидларини амалга оширишда коррупцияга ва қонун ҳужжатларини бузилишига йўл қўймаслик чораларини амалга ошириш учун танлов комиссияси тузилсин.
2. Танлов комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Танлов комиссияси раисининг ўринбосари (Б.Каримов) ва аъзоларига Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни ижросини таъминлаш, ушбу қонунда назарда тутилган ва белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил қилиш, харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга доир талабларга тўлиқ амал қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигида товарларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақтида таъминланишини назорат қилиш вазифаси юклатилсин.
4. Танлов комиссиясига хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш ва товарлар сотиб олиш)га бўлган талабидан келиб чиққан ҳолда Агентликнинг тегишли мутахассислари ёки бошқа ташкилот мутахассислари овоз бериш ҳуқуқи билан жалб қилиниши мумкин.
5. Мазкур буйруқ ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Директор

А.Инаков

Ўзбекистон Республикаси
Тиббий-ижтимоий хизматларни
ривожлантириш агентлиги
директорининг 2021 йил “10” май
даги 67 -сонли буйруғига илова

Танлов комиссияси таркиби

№	Ф.И.Ш	Лавозими	
1	А.Инаков	Директор	Танлов комиссияси раиси
2	Б.Каримов	Директорнинг биринчи ўринбосари	Танлов комиссияси раисининг ўринбосари
3	Ғ.Исраилов	Директор ўринбосари	Танлов комиссияси аъзоси
4	Д.Матрасулов	Юридик бюро бошлиғи	Танлов комиссияси аъзоси
5	З.Фарманова	Бўлим бошлиғи	Танлов комиссияси аъзоси
6	О.Писаренко	Бош мутахассис	Танлов комиссияси аъзоси
7	Тегишли мутахассис	Бўлим бошлиғи ёки бош мутахассис	Танлов комиссияси аъзоси

Изоҳ: танлов комиссияси таркибидаги номзоднинг бирортаси бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг ўрнига тайинланган ходим харид комиссия аъзоси ҳисобланади.